

Рамазонга ҳозирланинг!



13:22 / 04 март 1525

Қиёмул лайл – таҳажжуд намозларига ўзингизни одатлантиринг.

Турли чалғитувчи (смартфондаги бекорчи ўйинлар, телевизордаги кераксиз сериаллар) нарсалардан халос бўлинг.

Интернетда ўтириш соатларингизни камайтиринг.

Вақтни зое қилувчи нарсалардан узоқлашинг.

Нафл ибодатларга одатланинг.

Рамазон ойига етиб келганингиз учун Роббингизга дуо қилинг.

Бу ой учун аниқ режа, жадвал ишлаб чиқинг.

Ўзингизни рўза тутиб юришга одатлантиринг.

Қуръон ёдланг ёки такрорланг.

Садақа ва эҳсонлар беришга одатланинг.

Қуръондан кунлик вирдларингизни орттириб боринг.

Ейиш-ичишни камайтиринг.

Масжидда бўлиш вақтларингизни узайтиринг.

Харидларингизни Рамазондан аввал қилиб олинг.

Рўзадан қолган қазоларингиз бўлса уларни тутиб, ўтаб қўйинг.

Фарзандларингизни эҳсон беришга одатлантиринг.

Қалбингизни Аллоҳга машғул қилинг.

Аллоҳ зикрини кўпайтиринг.

Нафл ибодатларга риоя қилинг.

Уйқу соатларини камайтиринг ва қайлулага риоя қилинг.

Уйингиз ва оилангизни Рамазонга зарур нарсалар билан тайёрланг.

Чекишдан халос бўлинг (агар чекувчи бўлсангиз).

Рўза аҳкомларини ўрганинг.

Тунда ухламай бедор юришдан узоқлашинг.

Дуони кўпайтиринг.

Камчилик ва нуқсонлар учун нафсингизни маломат қилиб боринг.

Ниятингизни яхшилаб олинг.

Амалларингизни тартибга солиб олинг.

Рамазонни тавба билан бошланг.

Ўзингиздан ўзгаларнинг ҳам ҳолини ўйланг. (Уларга ҳамдард бўлинг, қайғуринг, имкон қадар ёрдам қўлини чўзинг).